



“Сув таъминоти ва оқава сув объектларини қурилиши бўйича ИК” УК Фарғона вилояти худудий бошқармаси бошлиғи Р.Холиқназаровга

### Техник шарт

Сизнинг 2022 йил 10 июнданги 265-сонли хатингизга, Ўзбекистон Республикаси Президентинининг 2022 йил 6 июнданги “Худудларда маҳсус иқтисодий ва кичик саноат зоналарини ташкил қилиш ва уларни муҳандислик-коммуникатция инфратузилмаси билан таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-271 сонли қарори асосан, Боғдод тумани Мурувват МФЙ худудидаги кичик саноат зonasини ичимлик ва оқава сув билан таъминлаш мақсадида қўйдаги техник шарт бажарилиши талаб этилади.

#### Ичимлик сув бўйича

Боғдод тумани Мурувват МФЙ худудида жойлашган кичик саноат зonasини  $12.4 \text{ м}^3/\text{сутка}$  ичимлик сув билан таъминлаш учун **уланиш нуқтаси**: Мурувват МФЙ худудидаги ёшлар саноат ва тадбиркорлик зonasи учун тортилиши режалаштирилган ичимлик сув тармоғидан лойиха асосида 1 км ичимлик сув тармоғи тортиш ишлари ШНК, ҚМҚ хамда СЭО ва ЖС талабларига мос равишда ичимлик сув тизимлари қурилсин.

#### Оқава сув бўйича

Боғход тумани Мурувват МФЙ худудидаги кичик саноат зonasини оқава сув тизимида улаш учун **уланиш нуқтаси**: Гулистон МФЙ худудидаги мавжуд Д-500 ммли чуқурлиги 3 метр бўлган марказий оқава сув тармоғига лойиха асосида оқава сув тармоғини тортиш ишлари ШНК, ҚМҚ талабларига хамда СЭО ва ЖС талабларига мос равишда амалга ошириш шарт.

Ичимлик ва оқава сув тармоқларини қурилиш-монтаж ишлари даврида бошқа муҳандислик коммуникациялари (электр, газ, алоқа ва бошқалар) тармоқларига шикаст етказмаслик мақсадида, тегишли корхоналардан хulosса олиш кўзда тутилсин.

Ушбу техник шартда берилган барча ишларни амалга оширишда тажрибали лойиха институтларини жалб қилган холда амалга оширилиши ва давлат экспертиза хulosалари олингандан сўнг, қурилиш монтаж ишлари амалга оширилсин. Бундан ташқари Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Махкамасининг 2014 йил 15 июл кунги 194-сонли қарорининг 2-илова 30-бандига асосан, буюртмачи томонидан тайёрланган ичимлик ва оқава сув лойиха смета хужжатлари “Фарғона сув таъминоти” МЧЖ билан келишиш ва 1(бир) нусха лойиха смета хужжатлари берилиши шарт. Акс холда ушбу

лойиха смета хужжатлари Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Махкамасининг 2014 йил 15 июл кунги 194-сонли қарорининг 2-илова 30-бандига асосан мазкур қурилиш-монтаж ишлари учун тайёрганланган лойиха смета хужжатлари келишилмаган хисобланади ва мазкур объектлар “Фарғона сув таъминоти” МЧЖ томонидан қабул қилинмайди.

Барча қурилиш материаллари сифат сертификатига эга бўлиши шарт.

Ушбу техник шарт берилган кундан бошлаб 2 (икки) йил мобайнида хакиқий деб хисобланади.

**“Фарғона сув таъминоти” МЧЖ**

**Бош муҳандиси:**

**И.Абдуллаев**

**“Фарғона сув таъминоти” МЧЖ**

**ИЧБ бошлиғи:**

**С.Абдуллаев**

